



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 27-iyul, chorshanba ● № 31 (731) ● 1996-yil dekabr dan chiqarib boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

ЧОРОШАНБАДАН ЧОРОШАНБАГАЧА

21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириши ва иқтисодий эътиборлибериши борасида Хукумат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи ҳақида»ги қўшма қарори матбуотда эълон қилинди.

25 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида «Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиши» лойиҳаси бўйича навбатдаги Алмашув ноталари имзоланди. Унга мувофиқ, юртимиздан бир неча талаба ўз мутахассислиги бўйича Япониянинг нуфузли университетларида магистратура босқичида таҳсил олиши учун икки миллион олти юз минг АҚШ доллари миқдорига грант ажратилади.

Хужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Арипов ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ёсихиса Курода имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, судьялар, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Пленумда «Судлар томонидан никоҳдан ажратилган оид ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги ва «Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида»ги қарор лойиҳалари муҳокама этилди.

НАВОИЙ: ИСТИҚЛОЛДАН ИҚБОЛ ТОПГАН ВОҲА



Навоий вилояти деганда, бағридан беҳисоб табиий бойликларни — олтин ва кумуш дейсизми, мрамор ва фосфорит дейсизми, уран ва кварц дейсизми, феруза ва оҳактош дейсизми — мухтасар айтганда, ўзида бутун Менделеев жадвалини мужассам этган саховатли бир заминни тасаввур қиламиз, албатта, бундай бойлик ҳар кимга берилмайди. Шунинг учун ҳам Навоий воҳасини Ўзбекистоннинг олтин сандиғи, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ислом КАРИМОВ



3»

ЖАҲОНГА ТАРАЛГАЙ ШАРҚ ТАРОНАСИ



Жорий йилнинг 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида ўтайдиган «Шарқ тароналари» саккинчи халқаро фестивалига тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган брифинг ҳам бунга алоҳида ургу берилди.

2-бет

34 ТА БАРМОҒИ БОР



Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида яшайдиган Акшат Саксена исмли бир яшар бола Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Негаки, унинг иккала қўлида 7 тадан, оёқларида эса 10 тадан, жами 34 та бармоғи бор.

5-бет

КЎЗЛАР «УХЛАЯПТИ», ВИЖДОН-ЧИ?..



Ёшларнинг эътироз ҳам ўринли: автобусга ҳамма бир хил нарҳда пул тўлайди. Ҳар бир йўловчи ўз манзилга етгунча ўриндикда ўтириб кетишга ҳақли. Ҳуқуқий жиҳатдан шундай. Аммо қонунда ўз ифодасини топмаган масалани баъзан виждон ҳал этади.

7-бет

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги шодиёналари арафасида галлакорларимиз улкан хирмон уйиб, қутлуғ тўйга муносиб тўёна армуғон этдилар.

АЗИЗ НЕЪМАТ МАЪНАВИЯТИ

Ризқ

У муносабат билан Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон галлакорларига йўлаган таъкидланганидек, «Бу йилги ўта оғир мавсум шароитида бундай улкан галабага эришиш, яъни 6 миллион 800 минг тоннага яқин галла хирмони яратиш, жумладан, суғориладиган майдонлардан 6 миллион 700 минг тонна ҳосил олиш нақадар машаққатли меҳнат эвазига бўлганини барчамиз яхши тушунамиз ва бунинг учун азамат дехқонларимизга ҳар қанча таҳсин-таъаннолар айтсак, арзийди, албатта».

Халқимиз учун дон ва ноннинг қадри ҳамisha баланд бўлиб келган. Қадимий «Авесто» китобида ёзилишича, экин экиш — ердаги ёвузликни йўқ

тишга тенг. Чунки дон етилганда ёвуз девлар кўрқувдан қора терга ботса, тегиримоннинг ишлашидан бутунлай гангиб қолар, уни кўрганида ваҳимага тушар, нон пишганда эса даҳшат исканжасида адоий тамом бўлар экан.

Бугунги кунда ҳам нон биз учун нафақат шунчаки таом, кундалик истеъмол маҳсулоти, балки халқимиз азалдан уғуллаб келадиган азиз ва муқаддас неъмат ҳисобланади. Нон — жами ноз-неъматларнинг сардори, тирикчилигимиз манбаи, ҳаётимизнинг зийнати, эъозли ризқ-рўзимиз. Юртимизнинг тўй-томоша ва маъракалари нонсиз ўтмайди. Дастурхон аввало нон билан безалади. Нон устига бошқа таомларни қўйиб беодоблик саналади, бинобарин у ҳамма таомдан устун.

Нон — ўзбекининг азиз тимсоли. Чақалоқ туғилса, нондек азиз бўлсин деб, ёстиқчасининг таги га кулча қўядилар. Илк қадам қўйган чоғида ҳам болаларга кулча улашадилар. Ҳарбийга жўнаган ўғлонларга, узоқ сафарга кетаётган кишиларга нон тишлатдилар. Бу «нон-насибаси йўқолмасин», «ой бориб, омон келсин» деган яхши ният ва тилакларнинг ўзини хос рамзидир.

«Нон синдириш» — никоҳ тўйига тааллуқли маросимларимиздан бўлиб, қизнинг ота-онаси куёв томонга ўз розилигини билдиргач, совчилар келтирган дастурхон очилиб, розилик белгиси сифатида нон ушатилади. Тўй-томоша кунлари эса қанчадан-қанча азиз меҳмонлар бир-бири билан нон-намак бўлишади, самимий суҳбат курадилар. Кўпинча мана шундай нон-намаклик кейинчалик нон-қатикликка, бошқача айтганда, ўзаро борди-келди қиладиган яқин муносабат ўрнатишга олиб келади.

Ота-боболаримиз нонга илоҳий ҳодиса — Тангри ва инсон ўртасидаги ҳалол муносабат гарови, ростлик кафолати, ҳақиқат кўприги деб қарашган. Шу боис, фарзандларни ёшлигидан нонга ҳурмат ва эътибор руҳида тарбиялашган. Ёш ўғил-қизларга нонни хор қилмасликни, унинг ушоғи қўлдан тушиб кетса ҳам дарҳол ердан олиб, кўзга суртишни ўргатишган. Ноннинг увалидан кўркишган.

Эл орасида ақл-хушли, тадбиркор, ҳалол ишлаб даромад оладиган кишиларни «нонтопар», яънаш учун зарур барча шароитлари муҳайё, ҳеч нар-

садан камчилиги йўқ одамларни «нони бутун» дейдилар. Одатда, «нондай азиз бўлинг» деб дуо қилиш кексаларимизга хос фазилатдир.

Бироқ бир замонлар даврон чархи шундай терс айландики, қаттол шўро тузуми халқимизни ана шу моддий ва маънавий бойлигидан маҳрум қилди. Тупроғидаги тош ҳам гул очадиган жаннатий диёр ахли донини ўзгаларга бериб, ўзи сомони билан қаноат қиладиган аламли ва аянчли кунларни кўрди. Мустабид тузум ўзининг зўравонлик сийсатида озик-овқат маҳсулотларидан, аynиқса, галладан ҳам халқни қарамлик сиртмоғида тутиб турадиган қурол сифатида фойдалангани кексаларимизнинг ёдидан ҳамон кўтарилган эмас.

Ўтган асрнинг 30-йилларида озик-овқат солиғи сифатида дехқоннинг оғирлиги дондун таг-туғи билан супуриб кетилиб, ўзининг очлик домига ташлангани, ҳаққини даъво қилган минглаб юртдошларимизнинг «қулоқ», яъни «муштумэур» тамғаси билан олис юртларга сургун қилингани, душман сифатида қатагонга учрагани ҳам пахтазорга айлантирилди.



Уруш йилларида эса элимиз оғзидаги сўнгги луқмасига галла фронтга жўнатиб, ўзи «так-так» деб аталадиган ёввойи арпа уни билан кун кечирди. Кейинчалик — замон тинчигандан сўнг ҳам рўшнолик кўрмади, суғориладиган ерларнинг деврли ҳаммаси пахтазорга айлантирилди.

Шу тариқа Ўзбекистон учун дон муаммоси кескинлигича қолаверди. Мана шу қарамликнинг аччиқ оқибатларини истиқлол арафаси ва мустақилликка эришган илк кунларимизда татиб кўрдик. Уша даврда ҳамюртларимизнинг эрталабданок нон учун дўкон-

ларда турнақатор навбатда тургани, ҳар ойда хонадонлардаги жон бошига ўлчаб бериладиган ун, гуруч, шакар, пахта ёғи, гугурт, совун каби маҳсулотларни тежаб-тергаб сарфлагани ҳали ҳам кўпчиликнинг ёдида.

2»

АЗИЗ НЕЪМАТ МАЪНАВИЯТИ



(Бошланғич 1-бетда.)

Халқимиз — ниҳоятда ориятли. Ҳаётлардан хайр-саховат қутиб яшаш шайғимизга асло тўғри келмасди. Президентимизнинг ташаббуси билан пахта майдонларининг бир қисмига галла экишга, шу йил билан озиқ-овқат таъминотига барҳам беришга қарор қилинди. Гарчи пахта толасини сотишдан келадиган валюта мамлакатимизнинг энди қад ростилаётган иқтисодийликни мустаҳкамлаш, ижтимоий, маданий ва ҳарбий соҳалардаги ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаш учун сув билан ҳаводек зарур бўлса-да, Ўзбекистоннинг обрўси, нуфузи, халқимизнинг қадр-қиммати ҳамма нарсадан юқори қўйилди.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда галла мустақиллигини таъминлашга ғоят катта эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки галла мустақиллиги — сиёсий, ҳарбий, ёқилғи-энергетика мустақиллиги қатори — юртимиз мустақиллигининг энг муҳим мезонларидандир. Лекин бундай бемисл марра ўз-ўзидан, осонлик билан қўлга киритилгани йўқ.

Бу борада амалга оширилган улкан ишларнинг маъно-маъмуни ва аҳамиятини англаш учун, аввало, юртимизда асрлар давомида мавжуд бўлиб келган галлачилик тарихи ҳам, серҳосил галла навлари етиштиришининг ноёб азалий тажрибаси ҳам шўро даврида бутунлай унутилган маъму этилганини, янада аниқроқ айтган-

да, буларнинг барчаси пахта якжақимлиги йўлида қўрбон қилиб юборилганини эслаш kif-фоя.

Уша даврда юртимизда катта машаққатлар билан етиштирилган пахта "марказ" томонида хорижга жуда қиммат нархларда сотилган, ammo бундан халқимизга бирон-бир наф тегмаган. Аксинча, неча-неча мамлакатлар орқали сарсон-саргардон бўлиб, бож тўлаб республикамиз учун галла олиб келинган. Собик совет тузуми бизни ана шундай боши берк қўчмага киритиб қўйган, энг ёмони, халқимиз бу ачинарли ҳолатга қўниб ҳам қолган эди.

Шундай бир шароитда мустақилликнинг илк кунларидан Ўзбекистон галла мустақиллигига эришиши керак деб, масалани қатъий қўйиб, бу фикрда одамларни кўндириш, ана шу мақсадга тез орада эришмасак, бошқаларга қарам бўлиб, илҳом берганимиз қолмади, деган фикрни ўтказиш ниҳоятда мушкул бўлганини, давлатимиз раҳбарининг матонати ва шижоати билан бу йўлда қандай долзарб ва оғир муаммолар ҳал этилганини тушуниш-англаш қўниб эмас. Зеро, ўшанда вақти келиб юртимиз далаларининг катта қисмига дон сочиб, ҳар гектар ердан иштиқлол арафасидаги 17 центнер ўрнига, бу кўрсаткичдан уч карра зиёд, яъни 50-60 центнердан ошириб галла олишимиз мумкинлигига қўнчилик ишонмаган, десак, адашмай-миз.

Жорий йил галла мавсумида эса бир қатор фермер хўжа-

ликлари ҳатто 80-88 центнердан ҳосил олди ва ушбу ютуқлар аввалбосдан бу борада йўлнинг нечоғли тўғри танлангани ҳамда фермерлик ҳаракатининг имкониятлари нақадар беқиёс эканини яна бир бор амалда кўрсатди. Шу маънода истиқлолимизнинг йиғирма йиллиги шонли санаси арафасида галлакорларимиз кўлга киритган улкан галлаба ҳақида гапирганда, албатта, Юртбошимиз қайд этганидек, "ўз дони-миз, ўз беминнат нонимизга эга бўлиш, галла мустақиллигига эришиш йўлида қўйган тарихий қадамларимизни эсга олишимиз табиийдир".

Авваламбор, томорқалару уйларимизнинг остонасигача экилган пахта якжақимлигига барҳам бериш, бу нафақат қишлоқ хўжалиги масаласи, балки биринчи навбатда сиёсий масала, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масала эканини юртдошларимизга, кенг жамоатчиликка тушунтиришга, одамларимизда бу ишларга дахлдорлик туйғусини уйғотишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, мутахассислар билан маслаҳатлашиб, қандай қилиб, нима ҳисобидан бу масалани ечиш йўллари аниқ белгилаб олинди. Бунда Ўзбекистон шароитида галлачиликнинг тарихий, миллий илдизларини, қадимий деҳқончилик маданиятига мос келадиган усул-усулбарини топиш, ҳисоб-китобини қилиш, бу иш ўзимизнинг қўлимиздан келадиган, деб одамларни ишонтириш, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этди.

Айни вақтда галлачиликни ривожлантириш учун амалий-ташқилий, моддий-молчилик шароитларини яратиш, янги техникалар, масалан, хорижий замонавий комбайнлари афзаллигини исботлаб бериш, уларни юртимиз галлазорларига олиб келиш учун валюта маблағларини излаб топишдек бири-бирдан осон бўлмаган кўплаб муаммолар изчиллик билан ижобий ҳал этиб берилди.

Галла мустақиллигини таъминлаш йўлидаги залворли саъй-ҳаракатларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги соҳасининг энки тузумдан меҳнат инфратузилмасини тубдан


ўзгартириш талаб этилар эди. Мисол, уруғ танлаш, галлани экиш, ерни тайёрлаш, қанча ўғит, сув бериш — бу масалаларнинг ҳаммасини Ўзбекистон шароити учун янгитдан ишлаб чиқишга тўғри келди. Ёки бўлмаса, қишлоқ хўжалигида ўн йиллар мобайнида қўлланиб келган алмашлаб экишнинг но-фасида галлакорларимиз кўлга киритган улкан галлаба ҳақида гапирганда, совет даврида Ўзбекистонда бошоқли экинлар алмашлаб экишдан олиб ташланган бўлиб, жўхори ва беда экишга рухсат бор эди, холос.

Энг муҳими, одамларда галлачиликка қизиқиш уйғотиш учун уларнинг меҳнатини, моддий манфаатдорлигини рағбатлантириш мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида турди. Давлат томонидан қўллаб-қувватланган деҳқонлар гайрат камарини маҳкам боғлаб, тер тўккани натижасида 1991 йилда ўлкаимизда атиги 940 минг тонна галла етиштирилган бўлса, 1995 йилга келиб бу кўрсаткич 3 миллион тоннага етди. 1998 йилда галла хирмонининг салмоғи 4 миллион тоннадан ошди, ниҳоят 2002 йилга келиб 5,5 миллион тонна галла етиштирилди.

Мамлакатимизда галла танқислигига узил-кесил барҳам берилди. 2010 йилда юртимизда 7 миллион 300 минг тонна галла етиштиришга муваффақ бўлинди. Кўкўпар хирмон тиклаган заҳматкаш галлакорларимизнинг меҳнати самарасидан элнинг қадди тикланди, хонадонига кут-баракат кирди.

Нон — меҳнат ва риёзат маҳсули. Айни чоғда нон — иқтисодий хавфсизлик, тинчлик ва барқарорлик омилли ҳам демокдир. Кейинги йилларда жаҳон бўйича озиқ-овқат, айнакча, галла ва ун маҳсулотларига бўлган талаб ошиб, бу борада муайян тақчиллик, қийинчиликлар сезилган бир пайтда Ўзбекистон галлакорлари эришган бу муваффақиятнинг аҳамияти ҳамда моҳиятини нонни азиз неъмат деб биладиган халқимиз чуқур англайди, юксак қадрлайди.

Бу йилги галла хирмонини бунёд этишда қишлоқда том маънода етакчи ва ҳал қилувчи қўчма айлаиб, ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаб



улгурган фермерлик ҳаракати, деҳқонларимизда мулкка эгаллик туйғуси, манфаатдорлик ҳисси ошиб бораётгани муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Айни пайтда фермер хўжаликларини зарур моддий-техник ресурслар, имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳар қайси ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос галла навларини яратиш, галлакорлар меҳнатини муносив рағбатлантириш мақсадида ўз вақтида олиб борилган кенг қўламли чора-тадбирлар ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Ҳа, ризк-рўзимиз, фаровон турмушимиз гарови бўлмиш галлани қишлоқ хўжалигига қайтариш осон бўлмади. Энг муҳими, галла мустақиллиги сиёсатининг замирида мужас-сам бўлган асосий ғоя — бу саховатли замин шу ерда яшайдиган халқни боққисга қодир, бинобарин, халқимиз

ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам эмас ва кам бўлмайдиган, деган эзгу фикр амалда ўз тасдиғини топди.

Бу соҳада мустақиллик йилларида эришилган барча ютуқ ва марралар, юртимиз ҳамда хориж экспертлари кўп бор эътироф этганидек, мамлакатимиз иқтисодийликни ислохот этиш, эркинлаштириш, модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ўз вақтида бошланган, ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсатнинг натижаси эканига тақрор-тақрор ишонч ҳосил қиламиз.

Юқорида қайд этилганидек, бир вақтлар ўлкаимиз ўз аҳтиёжини қондириш мақсадида кимгадир мўҳтож бўлиб, кимгадир ялиниб, катта маблағлар тўлаш эъвазига донни — 3,5-4 миллион тонна бугўдони четдан олиб келган. Бугунги кунда эса Ватанимиз галла мустақиллигига эришиб, ҳар томонлама тўқчиликни қўлга ки-

ритди. Ҳатто галла экспорт қилувчи давлатлар сафидан жой олиб, ўтган йилнинг ўзида 400 минг тоннадан зиёд галлани экспорт қилдик.

Яна бир муҳим жиҳат — галлачиликни ривожлантириш орқали Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини, чорвачилик ва паррандчилик тармоқларини тараққий топтириш имкониятлари тубдан кенгайди. Бугун юртдошларимиз ун ва нон, гўшт, сўт, тухум, бошқа кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлангани, шунинг баробарида бу маҳсулотларнинг тури, сифати ва арзон нархда эканидан ҳар қанча гуруҳларимиз арзийди.

Бундан ҳам аҳамиятли ютуғимиз шуки, одамларимизнинг соғлом тафаккурини шакллантиришга, бунёдкорлик қайфиятини уйғотишга эришдик. Эндилда халқимиз ўзининг нималарга қодир ва салоҳиятли эканини, ўз навбатида, нималардан фахрланишга ҳақлигини яхши билади. Шу саодатли кунларга етганимиз учун қалбимизда чексиз шукроналик туйғуси жўш ураётганининг асл сабаби ҳам ана шунда.

Деҳқонларимизнинг пешона тери, азму шижоати билан етиштирилган доннинг ақсарият қисми фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилган халқимиз омборини галлага, рўзгорини кўт-бараккага тўлдирмоқда. Кўл ҳосилнинг давлат билан тузилган шартномавий режани бажариш учун топшириладиган қисми эса Ватанимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида белгилаб олинган дастурларимизни амалга оширишга мустаҳкам замин яратади.

Бугунгидек ютуқларимиз кўпайиб, иқтисодимиз бақувват бўлиб боргани сари халқимизнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, замонамизга муносиб, бир-бирдан мухташам иншоотлар бунёд этиш; жоҳажон Ўзбекистонимизни тараққий топган давлатлар қаторига етказиш имкониятлари ҳам кенгайиб бораверади.

Ғулор МИРЗО, Республика Маънавий тарғибот маркази раҳбари

Ижодкор ва тараққиёт

Тадбир

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Публицистика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан "Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!" шиори остида Ёзувчилар уюшмасининг "Ватан учун яшайлик" танловига иштирок этаётган ёзувчи ва журналистларнинг

ижодий ишлари юзасидан фикрлар алмашилди.

Кенгаш аъзолари йиғилишда мамлакат ҳаётидаги туб ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини бадиий адабиёт, оммавий ахборот воситаларида акс эттириш, тараққиётнинг муҳим жаҳаларида фидокорона хизмат қилаётган турли соҳа ходимларининг фаолиятини

публицистик мақолалар, лавҳа ва очерклар орқали мунтазам ёритиб бориш, бадиий адабиётда замондошларимиз образларини яратиш каби қатор масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди ҳамда кенгаш аъзолари олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб оlishди.

Дилдора ҚОРАБОЕВА

Ҷарадуд

ЖАҲОНТА ТАРМАҚТАЙ ШАРҚ ТАРОНАСИ

Қўшиқ ва musiқа оҳанглари ҳамisha инсонни ўзига ром этиб келган. Улар туйғули диллар дилларга, элар эларга боғланади. Дўстлик ришталари мустаҳкамланади. Тил ва миллат талламай-диган, сарҳад билмас наволар кўнгалларни забт этиб инсонларни фақат яхшиликка ундайди.

хос аъналарини сақлаш ва ривожлантиришда мазкур фестивалнинг ўрни беқиёс бўлмоқда. Қолаверса, унинг замирида санъат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва янада кучайтириш, тинчлик, дўстлик ғояларини тараннум этишдек эзгу мақсад мужассам. Жорий йилнинг 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида ўтадиган «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро фестивалига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган брифингга ҳам бунга алоҳида ургу берилди.

Қадимий ва навқирон Самарқанддаги арсонавий Регистон майдони ҳадемай яна ҳаётбахш ва бетакрор наволарга чулғанади. Фестиваль географиясининг кенгайиб бораётгани қувончли ҳол, албатта. Мазмун-моҳияти ҳам йилдан-йилга бой-йиб, нуфузи тобора ошиб бораётган тадбир чинакамига маданиятлар мулоқоти учун муносиб майдон бўлмоқда, деб бемалол айтиш мумкин. Чунонинч, 1997 йилда 31 та давлат вакиллари иштирок этган эди. Бу йил эса 62 мамлакат вакил-



лари унда иштирок этиш истагини билдирган ва улардан 48 мамлакат бадиий жамоалари ташқилий кўмитага ҳужжатларини тақдим этган. Буркина-Фасо, Ирландия, Сенегал, Мадагаскар, Хорватия, Норвегия, Чехия, Куба каби мамлакатлар санъаткорларининг илк марта чиқишлари кутулмоқда.

Аънага мувофиқ бу йил ҳам тадбир доирасида илмий амалий конференция ва маҳорат дарсларини ўтказиш кўзда тутилган. «Шарқ халқлари маданиятини ўрганишда манбаларнинг ўрни» мавзусидаги халқаро конференцияда йиғирма давлатдан ташриф буюрадиган олимлар манбашунослик масалалари бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Фестиваль тадбирлари сунъий йўлдош орқали жаҳоннинг юзга яқин мамлакатларига узатилади. Тадбир кундаликлари

ҳақида маълумот етказиш учун хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимларига барча қўлайликлар яратилган.

Матбуот маркази энг сўнгги замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Интернет тармоғига уланган компьютерлар орқали журналистлар дунёнинг исталган мамлакатларига ахборот узатиш имкониятига эга бўлишади.

Бир сўз билан айтганда, фестивалнинг юксак савияда ўтишини таъминлаш учун барча зарур чоралар қўрилмоқда. Шунингдек, тадбир доирасида Самарқанд вилоятининг бир неча туманларида кўргазмалар, ярмаркалар, тақдирот маросимлари, концерт ва урчушлар ҳам ўтказилиши мўлжалланган.

Ҳидоят ЖҲРАЕВА, «Hurriyat» мухбири

Муносабат

КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ УНУТМАЙЛИК

Тожикистонда Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича уринишлар яна фаоллашайтгани, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ҳалокатли хавф-хатарлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлиб бормоқдамиз.

"Яна бир бор Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга оширишнинг оқибатлари тўғрисида" сарлавҳали мақолада мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Тожикистон, Ўзбекистон, Туркманистон ва умуман, бутун Урта Осиё аҳолисини исбли қўрилмаган хавф остида қолдириши мумкинлиги олимлар, мутахассислар ва халқаро экспертларнинг фикрлари асосида аниқ-равшан очиб берилган. Ушбу мақолани ўқиган соғлом фикрли ҳар бир киши минтақамизда яшайдиган миллионлаб инсонлар ҳаётини, Ватани, фарзандларини тақдирини, келажагини ўйлаб, қаттиқ ташвишга тушиши табиий.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида давлатимизнинг бу борада олиб бораётган сиёсати чуқур ҳаётий асосларга эга эканини, Ўзбекистон ушбу масалада нафақат ўз халқи, балки бутун минтақа аҳолисини манфаатларини ифода этаётганини бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда.

Мақолада таъкидланишича, лойиҳа бўйича синги 14 куб километрни ташкил этадиган Роғун ГЭСи сув омбори саккиз йил давомида сув билан тўлдирилган экан. Саккиз йил озгина вақтми? Шунча йил давомида сувсиз яшаб бўлади-ми? Наҳотки, гидроиншоот қурмоқчи бўлаётганлар масаланинг бу томонларини ўйлаб кўрмаса?! Ҳаммага маълум, бугунги кунда электрсиз яшаш қийин. Аммо бунинг учун гигант ГЭС қуриш шартми? Мақолада таъкидланганидек, кичик электр станциялари қуриб ҳам муаммони ҳал қилиш мумкин-ку.

Ахир саккиз йил давомида дарёга сув келмасанми бўлади? Амударёнинг қуйи ҳудудида истиқомат қиладиган, асрлар мобайнида деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган аҳоли, жумладан, Хоразм воҳаси аҳли учун ҳам бу йирик экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Узоқ йиллар

давом этадиган қурғоқчилик нафақат одамлар, айни вақтда ўсимлигу ҳайвонот оламини ҳам ҳаёт манбаларидан маҳрум этади.

Мен деҳқон фарзандиман. Фермер хўжалигимизда 36 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг ташвиши, менинг ҳам ташвишим. Халқимиз сувни "оби ҳаёт" деб эъзозлайди. Амударё суви биз каби Урта Осиё минтақасида яшовчи миллионлаб инсонлар учун муҳим ҳаёт манбаидир. Дарё бошида тўғон қуриб, сув оқимини тўсиб қўйишга уринаётганларни, наҳотки, бу инсонларнинг ҳаёти, келажак авлодлар тақдирини қизиқтирмас?

Мақолада таъкидланишича, Роғун ГЭСи қурилиши мўлжалланган жойда тез-тез зилзила бўлиб турар экан. Шундай бўлса, 100 метр қалинликдаги туз қатлами устида, ГЭС қуриладиган жойда, Худонинг ўзи асрасин, мабодо зилзила рўй берадиган бўлса, бунинг оқибатларини тасаввур қилишининг ўзи дахшат. Чунки туз қатлами техноген ҳалокат хавфини янада кучайтиради. Қолаверса, у тўғоннинг зилзиласиз ҳам ўпирилишига олиб келиши мумкин.


"Яна бир бор Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга оширишнинг оқибатлари тўғрисида" сарлавҳали мақола минтақамизда яшовчи одамларни ана шундай хавф-хатар ва фалокатлардан огоҳ этишга қаратилгандир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бу масала бўйича давлатимиз олиб бораётган сиёсатини биз, хоразмликлар ҳам тўла қўллаб-қувватлаймиз. Чунки ҳар бир инсон, хусусан, бизнинг халқимиз фақат ўзини, бугунини ўйламайди, аввало фарзандларини, уларнинг келажагини кўпроқ ўйлайди. Шунинг учун ҳам келажак олдидаги масъулиятни унутиш сира мумкин эмас.

Зокир СОБИРОВ, Ғулор туманидаги "Зокир-Бекзод" фермер хўжалиги раҳбари

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

«БУЛГАРИЯ» ҚУРИҚЛИҚДА НАЗАРДАН ЎТАДИ




Хабарингиз бор, шу йил 10 июль куни Волга дарёсининг К у й б и ш е в кўлигида кучли довул туриши оқибатида 201 нафар сайёҳни бағрига олган икки қаватли «Булгария» теплоходи чўкиб кетган эди.

Халокатда сайёҳларнинг 79 нафари омон қолди. 121 нафар фуқаронинг жасади эса қариндош-уруғларига топширилди. Татаристон Фавкуллода ҳолатлар вазирлигининг маълумотига кўра, фақат халок бўлган бир аёлни таниш қийин кечмоқда.

Ўтган куни «Булгария» теплоходи сув қаъридан кўтарилди. Сув ости ўт-ўланлардан, қум ва бошқа чиқиндилардан тозаланди. Дастлабки натижалар теплоходнинг бутунлигини кўрсатмоқда. Ҳатто уни таъмирлашга ҳам ҳожат йўқ, яна сузиш учун рухсат берса бўлади, деган қарашлар мавжуд. Нима бўлганида ҳам ундан қайта фойдаланишга рухсат берилмаслиги аниқ.

Теплоходда портлаш юз берган бўлиши мумкин, деган эҳтимол ҳам йўқ эмас. Шу сингари саволларга эндиликда тергов маълумотлари аниқлик киритади.

ЭНГ ЙИРИК АВИАЛАЙНЕР... АРАНГ ҚҮНДИ




Сингапурдаги халқаро аэропортлардан бирида фавкуллода ходиса рўй берди. «Airbus A-380» йўловчи самолёти аэропортга қўниш чоғида ҳалокатга учрашига бир баҳа қолди.

Маълум бўлишича, «Сингапур авиайўналиши» номли компанияга тегишли ушбу ҳаво кемаси Гонгконгдан самога парвоз қилган. Орадан 20 дақиқа ўтгач эса самолётнинг битта моторида носозлик келиб чиққан. Аниқроғи, моторнинг электр таъминотида узилиш содир бўлган. Бундан ташқари, самолётнинг титраши кескин кучайган. Шундан сўнг «Airbus A-380» Сингапурдаги «Чанги» халқаро аэропортига қўнишга мажбур бўлган.

«Airbus A-380» йўловчи ташишга мўлжалланган дунёдаги энг йирик авиалайнер ҳисобланади. Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, 368 нафар йўловчи ва 21 нафар экипаж аъзосидан ҳеч бири жиддий жароҳат олмаган.

ДАРОМАДИ КЎПАЙДИ, ЛЕКИН...



Буюк Британиянинг ВР нефть-газ компанияси даромади кўпайди. Компания вакилларининг сўзларига қараганда жорий йилнинг иккинчи чораги давомида корхона 5,62 миллиард АҚШ доллари миқдоридан соф даромад қилган. Умумий пул тушуми эса 37 фоизга ўсиб, 103,8 миллиард долларни ташкил этган.

Хориз оммавий ахборот воситаларида қайд этилишича, ВРнинг бу ютуғига кейинги ойларда нефть нархининг кескин ошиши асосий сабаб бўлган. Даромадга эришганига қарамастан компаниянинг умумий аҳолини қонқарли, деб бўлмади. Чунки бундан олдин жамоа Мексика кўлигидаги ҳалокат тўғрисида каттагина миқдорда моддий зиён кўрган, ўз активларини сотишга мажбур бўлган эди. Компания 2012-2013 йилларда ўз қаддини тўла тиклаб олиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАРДА БИТТА ЮРАК ВА ЖИГАР



Бундан бир неча кун олдин Италиянинг Болонья шаҳрида сиам эгизаклари дунёга келди. Ушбу қизалоқларнинг кўкрак қафаси ўзaro туташиб кетган. Шу сабабли ҳам уларнинг юраги ва

жигари битта. Шифокорларнинг таъкидлашларича, чақалоқлар муддатидан олдин туғилган. Иккаласининг умумий вазни бор-йўғи 2,5 килограмми ташкил этган. Шунга қарамай, айна пайтда уларнинг аҳоли бирмунча яшши. Сиам чақалоқлари бироз катта бўлгандан сўнг жароҳлик амалиёти билан ажратиб олинади. Афсуски, уларнинг фақат биттасига яшши мумкин. Ҳозирги вақтда эгизакларлар тажрибали шифокорларнинг доимий назоратида.

ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ




Сурия ҳукумати янги қонун лойиҳасини маъқуллади. Мазкур қонунга кўра, эндиликда 1963 йилдан бундан буён биринчи марта мамлакатда кўппартиявийлик тизими жорий қилинади. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги маҳаллий SANA агентлиги маълумотида асосланиб хабар тарқатди.

Янги қонун талабларига мувофиқ мамлакат конституцияси қоидалари ва демократик тамойилларга мос тарзда ўз фаолиятини белгилайдиган ҳар қандай партия сиёсат саҳнага чиқиши мумкин бўлади. Диний, миллий ёки ҳудудий асосларга кўра партиялар тузилиши эса тақиқланади.

Эслаб ўтамиз, Сурияда 1963 йилда рўй берган ҳарбий тўнтаришдан сўнг кўппартиявийликка чек қўйилган эди.

34 ТА БАРМОҒИ БОР



Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида яшайдиган Акшат Саксена исмли бир яшар бола Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Негаки, унинг иккала қўлида 7 тадан, оёқларида эса 10 тадан, жами 34 та бармоғи бор.

Таъкидлаш жоизки, бу ҳолат тиббиётда полидактилия деб юритилади. Бу касаллик наслдан наслга ўтиши мумкин. Шу билан бирга, у генларнинг мутацияси билан боғлиқ ҳолда ҳам кечади.

Бармоқдор болакайнинг ота-онаси ва яқинлари унинг Рекордлар китобидан жой олганидан хурсанд. Чунки бундан олдинги рекорд натижа қўл ва оёқларида 31 та бармоғи бўлган хитойлик ўсмирга тегишли эди.

НТС МЕНЕЖЕРИ ИШДАН КЕТДИ



Юқори малакали менежерлардан бири Хорейс Люк Тайваннинг машхур НТС корпорациясини тарк этди. У НТСнинг фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича жавобгар шахс эди. Гарчанд у компаниядан 30 апрель куни шахсий сабабларга кўра кетган бўлса-да, бу хабар орадан 3 ой ўтгачина ўз тасдиғини топди.

Расмий баёнотда айтилишича, Хорейс Люк НТС ходимларини истеъмолчилар эътиборини жалб қиладиган инновацион маҳсулотлар яратишга ўргатиб келган. Айна пайтда унинг қайси компанияга йўлга ўтгани номаълум.

Хорейс Люк бундан олдин, яъни 2006 йилнинг ноябрь ойигача Microsoftнинг ижрочи директори лавозимида ишлаган эди.

«FIFA-2012» ТАҚДИМОТИ




Компьютер ўйинлари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган «Electronic Arts» компанияси Москвадаги Лужники стадионидан «FIFA-2012» ўйинининг тақдимотини ўтказди.

— Ўйиннинг янги версияси бир қатор қулайликларга эга, — дейди компаниянинг мутасадди ходимларидан бири. — Хусусан, учта муҳим жиҳатини таъкидлаш ўринли. Биринчидан, Impact Engine системаси орқали майдондаги тўқнашувлар ва зарбалар берилишининг сифати янада оширилган. Иккинчидан, авваллари тўпни рақиб ўйинчиси олиб қўйгандан кейин уни зудлик билан қайтариб олишининг имкони йўқ эди. Энди бунга қўшимча равишда амалга ошириладиган дриблинглар анча табиий кўриниш олди. Ниҳоят, учинчи хусусияти, тактик ҳимоянинг кучайтирилганидир. Энди дарвозани муваффақиятли ҳимоя қилиш ва тўпни рақибдан олиб қўйиш учун рақибга ташлашишдан ташқари бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

«FIFA-2012»ни сентябрь ойининг охиригача сотувга чиқариш мўлжалланапти. У ҳозирча 70 фоизга тайёр. Чунки мутахассислар ҳозирча жаҳон футболда трансфер жараёни қизгин давом этаётгани боис, барча жамоалар ва уларнинг ўйинчиларини унга тўлиқ жойлаштира олишгани йўқ.

ПАРҲЕЗНИНГ ФОЙДАСИ ЙЎҚ



Англиялик тадқиқотчиларнинг маълум қилишларича, ортқича вазндан қутулишнинг имконияти 30 ёшдан ошгандан кейин деярли йўқолар экан. Тиббиёт ходимлари бу хабарни омаллаштиришдан олдин 1946 ва 1958 йилларда туғилган 25 миң эркек ва аёллар саломатлигини кузатдилар.

— Вазн эркекларда умри давомида бир текисда ошиб боради, бу жараён аёлларда секинлик билан бошланади, 30 ёшдан ошгач, тезлашади, — дейди Буюк Британия тиббий тадқиқотлар кенгаши мутахассиси Ребекка Харда The Daily Telegraph мухбирига берган интервьюсида.

Олимларнинг уқтиришича, парҳез сақлагандан кўра ёшлик йилларидаги вазни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Интернет хабарлари асосида Алишер НАРМОНОВ тайёрлади

Машхур «митти»лар

Лилипут. Биринчи марта бу сўз «Гулливернинг саргузаштлари» китобида ишлатилган. Бу сўзни ўша асар муаллифи Жонатан Свифт ўйлаб топган бўлиб, жуда ҳам кичик, гайриоддий ҳажма эга бўлган буюмга нисбатан қўллаган. Кейинчалик машхур сўз «митти» одамларга нисбатан ҳам ишлатила бошланди.

Қуйида митти бўлса-да, дунёга машхур инсонлар ҳаёти ҳақида хикоя қиламиз. Бу одамчаларнинг кўпчилиги асосан санъат соҳасида ўз истеъдодларини намойиш қилишган. Уларнинг айримларини театр, цирк ва катта шов-шувларга сабаб бўлган қатор машхур фильмлар орқали яхши таниймиз.



Верн Тройер.

1969 йилнинг 1 январидан дунёга келган. Бўйи атиги 82 сантиметр. «Остин Пауэрс» фильми Тройерга катта шухрат олиб келди, уни бутун дунёга машхур қилди.



Хагендра Тапа Магар.

Непаллик ёш иқтидор эгаси ўзининг жуда ҳам кичкина тана тузилишига эга бўлгани учун Гиннеснинг рекордлар китобига «дунёнинг энг митти одами» дея киритилган. 18 ёшида унинг бўйи бор-йўғи 65 сантиметр, оғирлиги эса 5,5 килограмм бўлган.



Жейсон Акуна.

1973 йилнинг 16 майда таваллуд топган. Бўйи 1 метру 23 сантиметр. Унинг ижросидаги барча кинофильмлар жуда катта шухрат қозонган. Ушбу актёрни биз нафақат фильмлар орқали, балки ҳаммамиз севиб томоша қиладиган «Келгиндилар» лойиҳасидаги иштироки орқали ҳам яхши таниймиз.



Тони Кокс.

1958 йил 31 мартда туғилган. Бўйи 1 метру 7 сантиметр. У «Эмон Санта», «Юлдузлар жанги: VI талқини — Жедайнинг қайтиши», «Мен, яна мен ва Ирэн», «Уиллоу» фильмлари орқали машхур.




Хитойлик Хэ Пинпин — дунёдаги энг митти одамлардан бири.

Бўйи 74,6 сантиметр. Хэ Пинпин 1988 йил 13 июлда дунёга келган ва 21 ёшида вафот этган.



Полин Мастерс — дунёнинг ягона «митти» хоними.

У Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. Бўйи бор-йўғи 58 сантиметр бўлган. Полин Мастерс 1876 йил 26 февралда Нидерландияда дунёга келган.



Колумбиянинг 24 ёшли фуқароси Эдвард Ниньо Эрнандес — дунёдаги энг митти одамлардан бири.

Унинг вазни 10 килограмм бўлганида бўйи 70 сантиметрни ташкил этган. Суратда Боготадаги уйда Гиннес рекордлар китобига киритилгани ҳақидаги сертификатни оммага намойиш этмоқда.



Яманлик Яхя бин Яхя ал-Ғаҳдер. Унинг бўйи 80 сантиметр.

Яман конституциясида Президент сайловларида ҳамма бирдек овоз беришга ҳақли деб ёзилган бўлса-да, унинг бу кўриниши тўғрисида сайловларда овоз бериш имкониятидан четлатилган.

Ш. ОҚИЛЖОНОВА тайёрлади

Молия муассасаларида

ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

Тадбиркорлик орқали юртин обод қилиш, халқ фаровонлигини ошириш азалдан юртдошларимизнинг қон-қонига сиғиб кетган. Бугун юртимизда тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасалари томонидан кредитлар ажратилаётгани мамлакатимизда соҳанинг янада ривожланишига асос бўлмоқда.

Давлат тижорат Халқ банки Андижон вилояти бўлимининг Хўжаобод филиали ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, банк филиалининг тадбиркорларга яқин кўмақдош бўлаётгани алоҳида таҳсинга сазовор. Бунинг натижасида тадбиркорлар ўзларининг фаолият кўламини кенгайтиришга муваффақ бўлишарди. Масалан, банк муассасасидан 40 миллион сўмлик кредит олган «Сарбон-Хамкортекстиль» хусусий корхонаси ички бозорни харидоригар маҳсулотлар билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Ҳозир Тошкент, Фарғона ва Қўқон шаҳарларига тайёр маҳсулотлар етказиб бераямиз, — дейди корхона раҳбари Дилшод Абдувалиев. — Айни пайтда корхонамизда 20 нафардан зиёд хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Келгусида яна 25 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Хитойдан келтирилган «Turikal»,

«Yamata», «Magi» русумли тикув дастгоҳлари ишимизнинг сифатли, тезкор бўлишида кўл келмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили дея номланган жорий йилда иш унумини янада ошириш йўлида изланишлар олиб бормоқдамиз.

Давлат тижорат Халқ банкининг Булоқбоши тумани филиали томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Тумандаги «Исоқбой обод» фермер хўжалиги мазкур банкнинг ишончли мижозларидан. Фермер хўжалигида балиқчилик, пиллачилик йўлга қўйилган. Ширмонбулоқ атрофидаги сўлим манзарали жойларда махсус ҳовулар қурилиб, балиқчилик ривожлантирилмоқда. Халқимиз дастурхонини ушбу парҳез маҳсулотлар билан тўлдирши йўлида катта саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

— Банкдан 9 миллион сўмлик 12 фоизли кредит олиб, фермерликни



ривожлантиряпмиз, — дейди хўжалик раҳбари Абдуваҳоб Юсупов. — Олинган сармоғга асарларчиликни йўлга қўйиш учун асбоб-анжомлар сотиб олдик. Шунингдек, балиқлар учун махсус ҳовулар барпо қилинди. Бугунги кунда балиқчилик хўжалигида оқ амур, карп, дўнгпешона, сазан каби балиқ турлари кўпайтирилди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорликнинг оилавий бизнес турини бошлаганмиз. Асли

касбим тиш шифокори. Лекин тадбиркорликда ҳам ўзимни синаб кўрялман. Натижа ёмон эмас. Энг муҳими, банк муассасаси биздан ёрдамни аямаяпти.

Булоқбошида Абдуваҳоб ака сингари фермер тадбиркорлар кўплаб топилди. Уларнинг залворли меҳнати тўғрисида дастурхонларимиз нознеъматларга тўлмоқда.

Норкул МАМИРОВ

"Истиқлол — гурурим, маҳаллам — фаҳрим" танловига

Мулоҳаза учун мавзу

ЭЛ ИШОНЧИ — КАТТА БАХТ

Зимат сафаридан қайтаётганлик. Купедошимиз анча сўзамол чиқди қолди. Сўхбат жараёнида у бир неча йил маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлгани, яқинда ўтказилган сайловда ўрнига бошқа одам сайлангани, бугун эса Тошкентга, дам олинган кетаётганини айтиб берди. Афтидан купедошим бировга сўзини бермайдиганлар хилданга ўхшади. Мавриди билан уни саволга тутдим:

— Худудингизда қанча хонадон борлигини, қанча аҳоли яшагини яхши билсангиз керак?

— Билганда қандоқ, — деди у бироз серкак тортиб.

Маҳалладаги муаммолар, одамларнинг турмуш тарзи, бандлик, ижтимоий ҳимоя масалалари билан боғлиқ саволлар бердим.

Собиқ оқсоқол бироз ўйлиниб турган: "Мен бу машамалардан кутулди олдим. Бундай саволларни янги сайланган раисга берсангиз дуруст бўларди", - деди.

Ўтган фаолияти жараёнида тез-тез учраган, кўринишдан оддий, аммо бугунги кунда катта ижтимоий аҳамиятга эга бундай саволларга айрим собиқ оқсоқолларнинг аниқ жавоб бера олмагани таини. Чунки уларнинг аксарияти ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаси кўпроқ оилавий келишмовчиликларни ҳал этиш, тўй-шашамлар, маросимларни ўтказишдангина иборат деб тушунишган. Маҳалланинг иқтисодий аҳолини таҳлил қилишни эса ўйлаб ҳам кўришмаган. Ҳарҳолда яқин-яқингача шундай эди.

Агар маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга шу жиҳатдан ёндашилса, яқинда республикамизда ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловларда эл ишончини оқлашга қамарбаста бўлган инсонлар — оқсоқоллар ва уларнинг фаоллари сараланди, дейишга асос бор.

Шахрисабз туманидаги "Чоштепа" маҳалласида умргузаронлик қилаётган 3024 нафар аҳоли Қурбон Хушвақтовни ўзларига бош этиб қайта сайлашганда адашмаганликларини эътироф қилишди. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Даставвал мазкур маҳалла ҳақида икки оғиз сўз: у туман маркази билан туташиб кетган бўлса-да, бир вақтлар айрим сабабларга кўра эътибордан четда қолган, ободончилик ва ишбилмарликка аҳамият берилмаганидан ёшларнинг аксарияти ишсиз эди.

Бир кўни кўпни кўрган нурунийлар бундай аҳволдан ташвиш тортиб, гузарда тўпланишди. Ҳолатни таҳлил қилиб, Қурбон Хушвақтовни маҳаллага оқсоқол этиб сайлашди. Ўзлари унга барча юмушларда кўмаклашди.

Бирлашган ўзар, дегани рост экан. Ўйлаб қарашса, маҳаллада техника воситалари бор, ишчи кучи етарли. Ҳашар уюштирилиб, кўчаларга нав-

батма-навбат кум, шағал чиқарилди, ҳовиларнинг атрофи тартибга келтирилиб, хонадонлар тоза ичимлик суви ва газ билан таъминланди. Кейинги йилда эса кўчаларга асфальт ётқизилди. Шу билан бирга кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг ижтимоий муҳофазасига эътибор янада кучайтирилди. Кўчабошилар — Нарзулла Темиров, Камолхон Азимов, Нурилла Искандаров, Бўта Қурбоновлар ёрдамида вақтинча ишсиз, ота-онасининг қарамоғидаги меҳнатга яроқлиларнинг рўйхатини тузиб чиқишди. Маҳаллада яшовчиларнинг характерларида тортиб, ким қаерда, нима билан банд экани, ишловчиси неча нафару оиланинг бир ойлик даромади ва сарфи қанча, шу жойнинг ўзида бандликни таъминлаш имкониятлари каби ижтимоий-иқтисодий масалалар, шунингдек, маҳалланинг, хонадонларнинг паспортини тайёрлаш ҳам назардан четда қолмади.

Эл ишончи — катта масъуляти. Шу боис, оқсоқол мазкур масалаларни қарор топтириш мақсадида тадбиркорларни тўплаб, кичик ишлаб чиқариш цехларини қуриш, ёшларни фойдали меҳнатга йўналтириш хусусида маслаҳат солди. Тадбиркорлар йўқ дейишмади-ю, аммо маблаг масаласида бироз қўллари калталиқ қилишини ҳам яширмадилар. Шу пайтда ҳуқуқимизнинг касаначиликни ривожлантириш орқали эл фаровонлигини таъминлашга қаратилган ҳаётий бағиш қарори "Чоштепа" маҳалласидагиларнинг ҳам жонига оро кирди.

— Оқсоқолимиз ва фаоллар ҳамкорлигида ишбилармон кишиларнинг бизнес режалари ўрганилиб, уларга банклардан кредитлар олишга кўмаклашилди, — дейди маҳалла раисининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича ёрдамчиси Раъно Турсунова. —



Сидқидилдан киришилса, ишлар рисоладагидек амалга ошаркан. Маҳалладошларимизнинг тенг ярми хотин-қизлардан иборат. Аксарияти уй бекалари, ишлаб чиқаришдан анча узоқлашган кишилар эди. Айни пайтда 50 дан ортиқ хонадонда касаначиликка

йўналтирилган кичик цехлар барпо этилган. Бу жойларда аёллар ва қизлар болалар кийимларини, рўзгорбоп ҳар хил зарур буюмларни тайёрлаб, ўзларини ўзлари таъминлашди. Улар қўлида сайкал топган маҳсулотлар харидорлар. Тўғри, ёшларни хунарга ўргатиш, дастлабки юмушларни шакллантириб олиш бирмунча қийин кечганди. Аммо бунинг ҳам йўли топилди. Устоз-шогирд анъаналари қайта тиклангач, барчаси изга тушди.

Айни шу жараёнга давлатдан ижтимоий ҳимоя мақсадида берилган маддий ёрдамга кўз тикиб ўтирганлар кўпроқ жалб қилинди. Натижада уларнинг ҳам ўзини ўзи маблаг билан таъминлаш ва хонадонига баракка киришига имкон туғилди. Бундан уч йил аввал 40 та кам таъминланган хонадон ҳамда 60 нафар давлатдан моддий ёрдам олаётганлар бор эди. Ҳозир эса йўқ. Вақтинчалик моддий ёрдам олаётганларнинг сони 10 та қолди.

Шахрисабз туманида маҳаллалар кўп. Лекин айнан "Чоштепа" мисолида фикр юритишимизнинг боиси бор. Гапнинг очиги, бир пайтлар бу ерда ҳам муаммолар бисёр бўлганини мақолаимиз аввалида таъкидладик. Кўп нараса етакчига боғлиқ, дейишганича бор экан. Оқсоқол атрофига жипслашган ва ҳамкорликда иш тутиш яхши жасида "Чоштепа" аҳли бугунга келиб намунали маҳаллалардан бирига айланиб бораётти. Агар таққослаб кўриلسа, сўнгги йилларда бу маҳаллада ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар кайд этилмади. Чунки Алиқул Амиркулов, Тошбобо Хушвақтов, Бўри Тоштемиров, Рўзи Қурбон, Султон Нормаматов, Ойдин Юсупова сингари намунали оилаларнинг рўзгор тутиши, аҳлиноқлиги соҳасидаги таҳрибалари оммашайтирилгани кўнгилсиз ҳолатларнинг келиб чиқишига барҳам берди.

балки вилоятдаги кўплаб туманларнинг номдор футбол жамоалари билан беллашиб, галаба сурурини татиб қайтишмоқда. Умуман, бу жойда спортга алоҳида эътибор қаратилган. Абдуҷамил Хушвақтов, Музаффар Норов, Файзулла Амиркулов, Ақтам Аҳмедов, Жаҳонгир Норов, Баҳриддин Остонов, Мурод Аҳмедов, Алишер Аҳмедов сингари ишбилармон ҳамда тадбиркорлар уларни рағбатлантириб келишмоқда.

Шу ўринда яна бир гап. Яқинда А.Хушвақтов ташаббуси билан Танхос дарёси этагидagi ташландиқ жой ободонлаштирилиб, маҳалланинг тадбирлари ўтказиладиган майдонга айлантирилди. Дарахт кўчатларини ўтказиш, тупроқ ётқириш ишларида ёшларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Одамларни доимий меҳнатга йўналтириш, хонадонлар фаровонлигига ҳисса қўиши ҳам маҳалла фаолларининг назаридан четда қолаётгани йўқ. Бунда ҳам тадбиркорлар мададкор бўлаётти. "Хушвақтова Ҳамида Тошбобо қизи", "Хисор мебель зийнати" каби корхона ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари янги иш ўринларини ташкил этиб, одамларни қайта иختисослаштириб, фойдали меҳнатга йўналтирмоқда.


Халқимизда узоқдаги бугундан яқиндаги сомон яши, деган гап бор. Ҳозирги кунда 3-4 сўм пул топш учун айрим ёшлар ўзга юртлардан иш қидираётгани, бунинг оқибатида кўплаб кўнгилсиз ҳолатлар ҳам кузатилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо яхши пул топши, фаровон турмуш кечирши учун четга чиқиш шарт эмас. Бу борада "Чоштепа" маҳалласидagiлар кўпларга иборат қилиб кўрсатишмоқда. 50 та хонадонда тикши-бичиш йўлга қўйилган бўлса, 40 та ҳовлидагилар қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга. 20 дан зиёд хонадондагилар асаларчилик, паррандачилик ва чорва ишлари билан машғул.

Чоштепеликларнинг ҳамжихатликдаги ҳаракатлари туфайли юқорида санаб ўтилганлардан ташқари ишлаб топилган маблаг ҳисобига замонавий уйлар қуришмоқда, ҳар йили 5-10 та янги машина сотиб олинаётти. Ичмам ва чиройли тўйлар қилишмоқда. Одамларнинг кайфияти кўтаринки, улар ўз юмуши ва саёй-ҳаракатидан мамнун. Эртаси бугундан-да яхши бўлишини билишди.

"Чоштепа" маҳалласидagi ҳавас қилса арзиғулик ишлар хусусида яна кўп ва кўп ёса бўлади. Гап шундаки, истиқлолга эришилган юртимизда элнинг, одамларнинг турмуш фаровонлигига эришиш йўлида бошланган ислохотлар туфайли одамларимизнинг маънавий қиёфаси, дунёқараши тобора ўзгармоқда, қўлаётган меҳнат, аввало, ўзи учун, юрт истиқболни учун эканини англаб етмоқда. Ҳар тонгни ана шу соф ниятда қаршилаётган чоштепеликлар ҳам бу эзгуликлардан мустасно эмас.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, журналист

«X» вариант



Репетитор лотинча сўз бўлиб, «орқага қайтаришни талаб қилувчи», «такрорловчи», «қўвчининг маълум бир фан ёки курси яхши ўзлаштириши учун пуллиқ қўшимча машғулотлар ўтказувчи шахс» деган маъноларни билдиради. Ана шу шахс минг-минглаб ёшларнинг талабалик бахтини татиб кўришга мушарраф қилаётгани сир эмас. Ўз вақтида мактабда сабоқларни яхши ўзлаштира олмаганларни фанларни такрорлашга, тер тўкишга ўргатиб, ўзига ҳам, ўқувчига ҳам меҳнатни орқали наф келтираяпти. Бундай олиб қаралганда, репетитор ёшларнинг ҳеч қандай ёмон томони йўқдай. Аммо, кундан-кунга кўпайиб бораётган репетиторларнинг ҳаммаси ҳам абитуриентга машаққат билан билим олиш йўлини кўрсатаётгани ёки унга талаба бўлмасиданоқ кўзбўямачиликни, виждонсизликни ўргатаётгани?

Талаба бўлишнинг «йўллари» кўп. Бу йўллари топиб бераётганлар эса баъзида репетиторлик «тўғри» кийиб олиб майдонга ташлаётганларнинг ўзи бўлиб чиқмоқда. Яъни, болани имтиҳонга «тайёрлайди», ҳар эътимомга қарши қўлига турли «вариантлар»ни тутқазиб, улардан қачон, қандай фойдаланиш лозимлигини ўргатади. Қайларандир топиб келинган «X» вариантлар ҳам бундан мустасно эмас. Хуллас, нима бўлса ҳам талабалик мартабасига эришиш

йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаслик анъанаси мавжуд. Келинг, муаммо олдида санскирамай унинг оқибатлари нисаларга олиб келиши ҳақида мулоҳаза қилайлик.

— Бу йил учинчи марта имтиҳон топшираман, — дейди Хуршид. — Биринчи йили мактабда олган билимим камлик қилди. Балим етмади. Кейинги икки йил эса жуда яхши ўқидим, олмаганларни аммо юқорида натижага эришдим. Лекин имтиҳон вақтида айрим абитуриентлар «йўли»ни қилишгач, яна сояда қолиб кетдим. Осонгина эришилган муваффақият ҳамма ҳам қадри бўлавермайди. Юртимизда олиқ уюқ юртларига имтиҳон топшириш вақтида махсус қурилмалар назоратида абитуриентларнинг тўғри қиритилаётгани ёки аудиторияларга мониторинг ўрнатилмаётгани жуда яхши бўлмоқда. Бизнингча, мана шундай чораларни барча олий таълим муассасаларида жорий қилиш вақти аллақачон етган. Эндиликда бунга имконият ҳам бор. Қолаверса, махсус залларда абитуриентнинг ота-онаси ўз фарзандини қандай имтиҳон топшираётганини, билим савиясини кўриб турса, ҳар қандай миш-мишларга чек қўйиб, қинғир йўллар билан имтиҳон топшириш каби ҳолатлар бўлмасиди? Мухими, билим ўз «бахоси»ни олган бўларди. Исмомиддин ПУЛТАВОВ

ВАТАН — САЖДАГОҲ

Ватан" сўзидан ҳам кўпроқ ишлатилган сўз бўлмас керак ҳаётда. Шунингдек, Ватан ҳақида асар ёзмаган ёзувчи, шоир, у ҳақида шеър ёлмаган, уни оғли равишида англашга ҳаракат қилмаган инсон ҳам йўқдир. "Ватан" арабча сўз бўлиб, инсоннинг туғилиб ўсган жойи, она юртини англатади, у кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод-аждодлари туғилиб ўсган жой, худуд, ижтимоий муҳит, мамлакатни аниқлашчи тушунча. "Ватан" тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънода бугун бир халқ, унинг аждодлари азалдан истиқомат қилиб келган макон. Тор маънода эса инсон туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ демақдир.

Ватан тўғрисида юзлаб, минглаб таъриф ва тушунчалар мавжуд. Аммо улардан иккитасини иктибос сифатида келтирмоқчиман. Биринчиси, Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан "Ватан" тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуг бўлмоғи керак" деб берилган таърифдир. Иккинчи тушунча Фирратга тегишли бўлиб, у: "Ватан менинг жонганим, саждагоҳимдур. У менинг тўлин ойм, тинч-омо-

ним, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир" дея ўз қаршини ифода этган. Назаримда, юқорида келтирилган икки таъриф ўзининг мукамаллиги билан фикру шууримизни бойитишга хизмат қилади.

Хўш, Ватан тўғрисида шунчалик кўп гапирилган, ёзилган экан, ушбу мавзу бўйича яна қандай янги гапни баён этишимиз мумкин? Гап шундаки, мамлакат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида шу юртининг эркин фуқароси сифатида кўнгилда тўпланган мулоҳазаларим билан ўртоқлашгим келди. Қолаверса, ушбу мақолани ёзишга мени яна бир ҳол ундади.

Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан бизнинг таълим муассасамиз жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари таълим даргоҳлари билан илмий, ўқув, маданий-маърифий алоқалар олиб бориш имкониятига эга бўлди. Яқинда шундай ҳамкорлик меvasи сифатида нашр этилган илмий тўплам таъдимида ишторик этиш мақсадида Қозон давлат маданияти ва санъат университетининг ректори Ўзбекистонга келди. Унинг Самарқанд

шаҳрини бир бора кўриш истагини биргаликда амалга оширдик. Тошкентдан то Самарқандгача бўлган йўлни "Нексия" автоуловида босиб ўтдик. Меҳмон йўлларнинг раволиги, йўл четидаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, боғдорчилик ишларини кўриб, бир ҳайратланган бўлса, йўл четидаги мухташам янги бинолар — турар жойлар, маънавий хизмат уйлари, ижтимоий тизим объектларини кўриб, ҳаяжонига ҳаяжон қўшилди. Айниқса, Самарқандгача бўлган йўлнинг ҳар икки четида барпо этилган академик лицейлар, касб-хўнар коллежлари, умумтаълим мактаплари унда жуда катта таассурот қолдирди. У собиқ совет республикаларига кўп сафар уюштиргангани, аммо ҳеч қаерда маърифий, маданий, спорт соҳаларида бу даражада кенг қўламли яратувчанлик ишлари амалга оширилмаганини яшириб ўтирмади. Бизга — Ўзбекистонга, халқимизнинг бунёдкорлик қудратига ҳавас қилди.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг йигирманчи йилида Ўзбекистонда юз йиллар давомида бажарилиши мумкин

Публицистика

сиз, ўз-ўзидан бўлмади. Ютуқлар, олға силжишлар замирида узоқни кўзлаб, пухтапишиқ ишлаб чиқилган давлат стратегияси ётибди. Хўш, ушбу муваффақиятларга қандай эришилди? Таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимиз 1991 йил ўз миллий мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустақил, маъмурий-бўйруқбозлик, режалитаксимот тизимидан воз кечди, "ўзбек модели" деб номланган ўз тараққиёт йўлини таллаб олди. Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясига асосан бозор муносабатларига ўтиш, мамлакатини модернизация қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бу ислохотларнинг барчасини чуқур илмий асосда босқичма-босқич рўёбга чиқариш учун шароитлар яратилди. Ривожланиш платформасига Ўзбекистоннинг илмий-техникавий, иқтисодий салоҳияти тўғри ўрнатилди. Мамлакатимиз ривожига географик

омилнинг ўрни ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Маълумотларга кўра, ҳозирга қадар республикамизда уч мингга яқин фойдали қазилма конлари аниқланган ва умумий минерал ҳомишэ потенциалы 4 триллион АҚШ доллари деб баҳоланмоқда.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишининг биринчи босқичида мустақил тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, республиканинг ўзига хос шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бозор муносабатларининг негизлари шакллантирилган бўлса, иккинчи босқичда вазифалар мазмун-моҳиятига қараб такомиллашди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишининг иккинчи босқичида иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислох этишни янада чуқурлаштириш, инвестицияни кўпайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ўз сиёсатида фақат ўз манфаатларини қўлайидиган ҳориждаги қарчалонларга умид боғламади. Аксинча, кучи, салоҳиятига таяниб иш тутди ҳамда аста-секинлик билан ўз йўлини топа олди. Ташаббускорлик ва ишбилармонликни кўплаб-қувватлаш асносида хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишига эришилди. Айни чоғда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётдаги устувор аҳамияти таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2011 йил 15 июлдаги қўшма мажлисида таъкидланганидек, 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида 22,8 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўрни ташкил этилди. Кичик бизнес корхоналарининг sanoat маҳсулотли ишлаб чиқариши ҳажми 20,4 фоизга, экспорт ва ўз маҳсулотини биржа савдолари орқали реализация қилиш ҳажмлари 1,5 баробар кўпайди.

Китобхонлик

Истиқлолни орзулаган шоир

“Шоирлик башариятга беминнат, ҳалол хизмат қилишдир. Росмана ижодкор жамиятда бўлган, бўлаётган, бўлгунча қувонч ёки қайғудан найғон бериб, гоҳ келажакка, гоҳ кечмишга ҳаёлан парвоз қилиб, кишиларни хушёрликка ундайди”. Ушбу фикрлар XVII асрда яшаб ижод қилган Турди Фароғийга бағишланган “Обида” номли достоннинг кириш сўзидан олинган. Достон муаллифи эса Асқар Қосимовдир.

Дарвоқе, Асқар Қосимов!.. Утган асрнинг олтинчи йиллари охиридан саксонинчи йилларининг урталаригача ижод қилган, “Фаввора”, “Мовий осмон”, “Замин кўрки”, “Толбаргак”, “Кўнгли кабутари”, “Сирлар” сингари шеърлар, драматик ва фантастик достонлардан жамланган ўнга яқин тўпламлар муаллифи, Еврипиднинг “Медия” фожиаси, Эсхилнинг “Қабр олдидаги қурбонлик” асарини маҳорат билан таржима қилган.

Бу кеч кўшни чорбоққа Келин тушди, ёр-ёр. Унинг йўқ зорбоққа, Қўникаман зор-зор. Хассос шоир қаламига мансуб мазкур шеър дилбар кўшиққа айланган. Бундай жозибали, чинакам шеърят намунаси бўлган шеърлар Асқар Қосимов ижодида санокли эмас. Бунинг далили сифатида “Соҳил бўйлаб эсган шамол...”, “Бирор кимса ҳолим сўрмаса...”, “Водий лавҳаси” каби ўнлаб шеърларни келтириш мумкин.

Шу йил “Tafakkur” нашриётида шоирнинг “Эй, қаро кўзим” номли тўплами чоп этилди. Тўпламдан “Само сирлари” деб номланган фантастик драма ҳам ўрин олган. Мазкур драма шоир ижодида, унинг фикрий оламига яна бир бор назар солишимизга туртки бўлди.

Маълумки, собиқ тузум даврида тўғри фикрни ёзиш, айтишнинг умуман имкони йўқ эди. “Оқни қорадан ажратган” шоирларимиз асар воқеаларини, фикрларини ўзга усуллар билан айтиш, чуқур фантазиялар орқали, ҳар хил тимсоллар ёки воқеа-ҳодисаларнинг фантастик усулда кечиси орқали муайян даражада ўз асл мудиасини ифода-лашга уринганлар. Бу драмадаги воқеалар ҳам бошқа галактикада, “бор усимликлари бутутга ўшаган”, техника ва тараққиёт ниҳоятда илгариллаб кетган “Чаманистон” деган маъвода кеча-

ди. Бу ернинг олиму ихтирочилари минг йил аввал яшаб ўтган одами тирилтириш ёки бировнинг жонини сақлаган ҳолда мутлақо бошқа кимсага айлантириш-дек сир-синоатларга эга. Фалакнинг гардиши билан бу жойга бизнинг сайёрамиздан Спитамен даврида яшаган Жақир исми киши олиб келинади. У дастлаб кеча-ётган мўъжизали ҳолатларга ишонмайди. Шунда ишонтириш учун унга ўз сайёрасидан, яъни Ердан бир зумда олиб келинган йигирманчи аср одами – ветнамлик Ван Хан Хуни рўпара қилишади. Ван Хан Ху она Ер бешикаст, омон эканини, шу жумладан, “Совет юрти алалхусус хуш” эканини маълум қилади. Бундай ҳамду саноларни эшитган бошқа галактикаликлар бунга “Тараққиёт бўлмаганга ҳеч тенглик бор жойда!”, деб эътироз билдиришади. Йигирманчи аср одами эса қайсарлик билан ўз гапидан қолмайди. Ўзга галактикаликлар ўз хайронликларини билдиришади: “Шу чоққача рўй бермаган бундай ҳол сира!”

Бир қарашда ҳамма нарса жойида, рисоладагидек: шўролар шайнига қаратилган, бундан ўттиз йил олдин айтилган, айтилиши мумкин бўлган гапларнинг худди ўзи. Ундан кун сусур ахтариб топил мушкулдек...

Ялпи тенглик, ялпи фаровонлик, ҳатто мартабаларнинг тенглиги деган гаплар чўпчак экани, мустабид тузум шароитида ҳақиқий тараққиёт ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслиги, аслида шўролар юрти қатагон қилишчи қайраган империядан бошқа нарса бўлмагани кундек аён бўлиб қолган бугунги кун нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, шоир тимсоллар, ишора ва киноялар орқали ўша даврнинг ҳақиқий башарасини кўрсатмоқчи бўлганини англаб олиш қийин эмас. Бунга “Тараққиёт бўлмаганга ҳеч тенглик бор жойда!”, “Шу

чоққача рўй бермаган бундай ҳол сира!” деган эътирозларга чуқуроқ эътибор қаратиш орқали амин бўлиш мумкин. Яъни шоир текисчилик, ялпи бараварлик тараққиётнинг кушандаси бўлган ва шундай бўлиб қолади, демоқчи. Бунга “Советлар юрти”нинг кунпаякун бўлган тарихи исботлаб турибди. Достондан келтирилган юқоридаги мисралар шоирнинг 1979 йилда нашр этилган “Замин кўрки” тўпламидан келтирилди. Унинг янги нашр этилган “Эй, қаро кўзим” китобида нимагадир юқорида таҳлил қилинган дастаклар ўз аксини топмаган. Нима бўлганда ҳам ушбу кичик таҳрир достонда айтилмоқчи бўлган асосий гоёга пугур етказмаслиги керак эди. Аслида достон олис самода кечаётган қандайдир гайриодатий ихтиролар ҳақида эмас, балки ўтган асрнинг етмишинчи йилларида шоир яшаган муҳит ҳақидаги аччиқ ҳақиқатларни имкон топиб, қандайдир имо-ишора билан айта олгани рости. Юқоридаги таҳрир эса “дунёда эзгулик ва ёмонлик” зиддиятини англаб олишга, ёмонлик эрк бермай, яхшилиқнинг ўсишига қўмақлаш зарурлигини тушуниб етишга маълум даражада соя ташлайди. Лекин шундай бўлса-да, шоир Асқар Қосимов ижодидан бир хотира сифатида ушбу тўпламнинг нашр этилиши таҳсинга лойиқ.

Албатта, Асқар Қосимов ижодининг аҳамияти, салмоғи билдирилган жузъий қайдлар билан чекланиб қолмаслиги аён. Бунга маълум даражада унинг ижодиёти жамланган “Эй, қаро кўзим” китоби билан танишган шеър ишқибозларнинг ўзлари ишонч ҳосил қилишлари мумкин.

Алишер Наврий номлидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Эй, қаро кўзим” китобининг тақдироти ҳам бўлди. Унда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али, Тоҳир Малек, Пирмат Шермухамедов, Абдулла Шер, Маҳкам Маҳмудов, Шодмон Отабек, Ортик Абдуллаев ҳамда бошқа шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, ижодкорнинг синглиси, фарзандлари ва яқин биродарлари қатнашиб, Ватан истиқболини кўришни, уни ҳаёлан бўлса-да, тасаввур этиб баҳра олган шоир ҳақида ўз фикрларини, хотираларини сўзлаб бердилар.

Дониёр БЕГИМКУЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилари
юшмаси аъзоси

Кўзлар «ухляпти», виждон-чи?..

Бекатдан репортаж



аратон. Ҳарорат ёндирман дейди. Рўзгор маҳсулотлари жойланган икки оғир сумкани кўтариб олган ўрта ёшли аёл юқини гоҳ ерга қўяди, гоҳ яна кўлига олади. Бекатдаги ўриндиқда ёши ўзидан катта кишилар ўтирибди, улардан жой сўраш ноқулай... «Тезроқ кела қолсайди...» дейди ўзи-ўзига, автобус паякун бўлган тарихи исботлаб турибди. Достондан келтирилган юқоридаги мисралар шоирнинг 1979 йилда нашр этилган “Замин кўрки” тўпламидан келтирилди. Унинг янги нашр этилган “Эй, қаро кўзим” китобида нимагадир юқорида таҳлил қилинган дастаклар ўз аксини топмаган. Нима бўлганда ҳам ушбу кичик таҳрир достонда айтилмоқчи бўлган асосий гоёга пугур етказмаслиги керак эди. Аслида достон олис самода кечаётган қандайдир гайриодатий ихтиролар ҳақида эмас, балки ўтган асрнинг етмишинчи йилларида шоир яшаган муҳит ҳақидаги аччиқ ҳақиқатларни имкон топиб, қандайдир имо-ишора билан айта олгани рости. Юқоридаги таҳрир эса “дунёда эзгулик ва ёмонлик” зиддиятини англаб олишга, ёмонлик эрк бермай, яхшилиқнинг ўсишига қўмақлаш зарурлигини тушуниб етишга маълум даражада соя ташлайди. Лекин шундай бўлса-да, шоир Асқар Қосимов ижодидан бир хотира сифатида ушбу тўпламнинг нашр этилиши таҳсинга лойиқ.

дейдилар. Наҳотки, эртага менинг болаларим ҳам... Ахир, уларни не умидларга тарбиялаб, воёга етказяпмиз... Кўнглингиз оғриқ нуқталари симиллади. У ҳаёлан, қалбан автобусда босиб ўтган масофадан ҳам анча узоқ йўлни босиб ўтгандек эди... * * *

Автобуснинг орқа эшигидан чиққан Шоирага бир-бирига қарама-қарши ўриндиқдаги ёшлардан бири жой бўшатди. Кейинги бекатда эллик ёшлардаги аёл чиқди. Аммо Шоиранинг ёнида ўтирган йигитча унга жой бергиси кел-

ларимни олиб юганимда, автобусларда тик туриб қолганимда ёшлар хурматимни қилишади... Шунданми, ёшим қирқни қоралган бўлса ҳам, онамнинг насиҳатлари қулоқларимдан кетмайди, — деди Шоира. — Гўё ўзимдан катталарга жой бермасам, узоқ йиллар ревматизмдан азият чеккан онамнинг тик турган ҳолда оёқлари қақшаб, изтироб чекаётгандек ва би у оғриқлар менинг ҳам жисму жонимни ўртаб юбораётгандек туюлаверади... * * *

— Насиҳатни қулоққа олган яхши-да. Мана буларнинг ҳам

даланган ҳолда пухта билим олаётган, ташқи маданияти билан бирга ички маданияти, руҳ тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратаётган гўзал ахлоқи йигит-қизлар талайгина. Миллат шонини, шайини асраётган, миллий урф-одатларни, умуминсоний қадриятларга чуқур эътиром руҳида камол топаётган ана шундай тенгдошларидан ортада қолиб, «мудраётган ёшларга» шундай дегим келади: ота-онангиз, бобою бувижонингизга тенгдош инсонларга ҳурмат юзасидан мулозамат кўрсатишни ўзингизга эп кўрмай, одобсиз-



май юзини тескари қилиб олди. Шунда Шоира истиҳола билан: «Ужасон, шу опагизга жойингизни бера олайсизми?», деди.

— Нима? — Йигитчанинг энсаси қотиб, қошлари чмирилди. Сўнг кўзларини лўқ қилиб, иддао билан жавоб берди. — Йўқ, мен жой беришмайман. Ана, бошқалар турсин, керак бўлса!

Бу кўрсил ва сурбетликдан Шоиранинг юраклари увишиб кетди. Бу ҳолни кўриб турган бошқалар ҳам «без»га айланмишди. Кейин Шоиранинг ўзи аёлини ўтиришга таклиф этди...

Аёллар бегона бўлса-да бир-бири билан опа-сингиллардек сўбатлашиб кетди.

— Болагимизда онам раҳматли айтардилар: «Болам, кўча-кўйда, автобусда ҳамини ўзингдан каттага жой бергин. Қўлларидан юк бўлса, кўтаришиб дуосини ол. Доимо кўз ўнгингда менинг сиймом турсин. Агар сен ўнга оналарга ҳурмат кўрсатсан, мен ҳам кўчада оғир сумка-

ота-оналари яхши инсон бўлган, деб насиҳат қилишаётгандир. Урни келганда ёнида турган бир инсоннинг дарду изтиробини хис қила олмайдиган йигитлар эртага қанақа оила бошлиғи бўларкин? Шуларни ўйлайман.

Уларнинг сўхати анча давом этди. Эшитган қулоқлар қизарди, қалблар ларзага келди, аммо ўтирган жойини ўзини қилиб олган боқяш ёшлар ҳали-ҳамон жим, бифарқ эди. Гўё бу гапларнинг улгарга дахли йўқдек...

Эшларнинг эътирози ҳам ўринли: автобусга ҳамма бир хил нарҳда пул тўлайди. Ҳар бир йўловчи ўз манзилга етгунча ўриндиқда ўтириб кетишга ҳақли. Ҳуқуқий жиҳатдан шундай. Аммо қонунда ўз ифодасини топмаган масалани баъзан виждон ҳал этади.

Нафсиламбирини айтганда, ёшларнинг ҳаммаси шундай деган фикрдан мутлақо йироқман. Аксинча, бугун мамлакатимизда яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фой-

лигингизни ўзгалардан берикитмоқчи бўлиб «ухляпсиз». Кўзларингиз «ухляпти», аммо виждонингиз-чи? Комилликка машаққат ила эришадилар. Сиз ярим соатлик автобус йўлида ширин жонингизни тик туришдек энгилгина машаққатдан асанангиз, узун умр йўлларда ёшларга катта ишонч билан қараётган «миллатингиз» юқини елкангизга олишга кучингиз, иродангиз етармикан?

Ҳар куни метро поезди вагонларига чиққанда, шундай давлат янграйди: «Еш болали, ногирон ва ёши катта йўловчиларга жой беринг!». Гўё бу давлат ўзимиз билган ўғитларни ҳорғинлик ва лоқайдлик турмани аро унутиб, мудраётган кўзларимизни уйқудан уйғотганга қараётган... Шу ва шу сингари давлаткор сўзлар автобус, трамвай сингари бошқа жамом транспортларида ҳам янграеса, уйғоқ виждонли, уйғоқ нигоҳлилар сафи янада кенгайишига ишонамиз...

Шамсия ХУДОЙНАЗАРОВА

КАБИ МУҚАДДАС



Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг бозор муносабатларини шакллантиришда энг устувор йўналиш — унинг тўғри йўналтирилганидир. Тараққиётнинг “ўзбек модели”да давлатнинг асосий ислохотчи бўлиши лозимлигини

нинг асосий тамойиллардан бири сифатида белгиланиши, шубҳасиз, мамлакат тараққиётини белгилаб берган муҳим омиллардан ҳисобланади. Қолаверса, бозор фақат давлатнинг иштирокида ривожланиши мумкинлиги эндиликда

халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этила бошланди. Булар, шубҳасиз, фуқароларимизда эртанги кунга ишонч руҳини шакллантирмоқда. Аслида, мустақиллик тўғрисида қўлга киритилган энг катта

ютуқ ҳам инсоннинг ўзини англаши, ўз эркинлигига эришиши, келажакнинг ёрқин тасаввур этишидир. Ушбу фикр яна бир бошқа фикрни “қўзғайди”. Бу — мустақиллик йилларида инсоннинг ўзини англаш йўлидаги ўзгаришлар, эврилишлардир. Гап инсон тафаккуридаги ислохотлар тўғрисида кетаётганини барчамиз англаб турибмиз. Таъкидлаш лозимки, инсон фақат тафаккур жараёнида шаклланади ва чарчланади. Шу маънода хоразмлик буюк алломи Маҳмуд аз-Замахшарийнинг қуйидаги фикрлари ўта долзарб: “Эзгу, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман, деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шомашарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут”.

Ҳақиқатан, у ёки бу масаланинг мазмун-моҳиятини англаш ҳиссиёт ва инсондаги беқарорлик асосида юз бериши асло мумкин эмас. Агар биз масаланинг моҳиятини англамоқчи истасак, ҳар қандай кутилган ва кутилмаган ҳолатга ақл билан ҳар томонлама муносабатда бўлишимиз лозим. Шу ўринда бировнинг фикрини илғаб

олишга эмас, ўзинг фикрла, деган мулоҳазада катта ҳақиқат бор. Гап мустақилликнинг том маънодаги мазмун-моҳиятини англаш устида кетар экан, шунинг таъкидлаш жоизки, мустақиллик феноменининг моҳиятини тушуниш, аслида, “Ватан” тушунчасини англаш билан уйғундир. Бунинг учун эса яқин ва узоқ тарихимизни кўрайдиган яхшироқ билмоғимиз муҳим. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз ўзининг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида таъкидлаганларидек: “...инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғай боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, тугилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади”.

Мустақиллик тўғрисида гапирганда кўз олдимизга, энг аввало, ўзимиз мансуб бўлган, уч минг йиллик буюк давлатчилик тарихи давомида не-не ютуқларга эришган, йўқотишларни бошидан ўтказган халқ келади. Ўзбекистоннинг жаҳон халқлари томонидан азалдан эътироф этилишининг асл сабаби — унинг жаҳон тамаддули бировнинг фикрини илғаб

роҳ ҳиссасидир. Аммо бу халқ ўз тарихи давомида не дашномларга қолмади, ноҳақиқатларни кечирмади. Рус шарқшуноси Н.И. Веселевский “Туркистонга илмий сафар кундалиги”да қуйидагиларни ёзади: “Биз цивилизация келтирдик...”, деб уйлаймиз, биз ўзимиз забт этган осийликларга тинчлик, осойишталик, хавфсизлик келтирдик, деб уйлаймиз. Лекин буларнинг ҳаммасидан ҳам юқори бўлган яна бир олий неъмат бор. Бу — миллат, миллий туйғу. Забт этилган мусулмонлар аҳолини тушунмоқ учун уларнинг ҳолатига кириш керак. Сийё маъв этиш оғир, миллий маъв этиш эса ундан ҳам оғирроқ. Биз ҳукмронлик қилган даврда эса улар айнан ўз мустақилликларини йўқотдилар. Миллатни бирон-бир ҳузур-ҳаловатга алмаштириш мумкинми, ахир? Бинобарин, бизнинг ҳукмронлигимизга қарши исёнлар бўлиб туришига таажубланиш керакми? “Миллий манфаатлар” деган тушунча ҳам борки, улар халқнинг қорни тўқ ва усти бут бўлишига ёки ўта муҳтожликда яшашига қарамай, сиртга ёриб чи-

Назаримизда, мустамаккачи мамлакат манфаатини ҳимоя қилувчи арбобнинг ушбу фикрига қўшилмаслик асло мумкин эмас. Мустамаккачиликнинг том маънодаги моҳиятини унинг тарихини ўрганиш орқали англаш мумкин. Шу билан бирга мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини тасаввур этиш, уни онгли равишда англаш, фикрлаш биздан ўз тафаккур тарзинимизни ўзгартиришни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорида мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқларини таҳлил этиш, уларни фуқаролар оғинга сингдириш вазифаси қўйилган. Бинобарин, жоннаҳон Ўзбекистонимиз кундан-кунга ривож топиб, мустақам-ланиб бораётгани халқро ҳам-жамият томонидан эътироф этилаётганини сезмаслик мумкин эмас. Энг муҳими, мазкур ўзгаришлар, эврилишлар замирида мамлакат, миллат манфаатларининг уйғунлиги ётибди. Бундай уйғунлик, шак-шубҳасиз, Ватанимизни янада обод, кўркам ва мустақкам бўлишига қафолатдир.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор



Улугбек ЖҰРАЕВ фототюди

Сайрасам булбулдай,
Ватан меники,
Яйрасам тўрғайдай,
осмон меники,
Тўшимга ҳуриллаб
тегар ҳаволар,
Қалбимга куйилар
тонгдай наволар.

Ўлкашунослик

ҚОРАБОҒТЕПА ЎЗ СИРЛАРИНИ ОЧМОҚДА

Сурхондарё илк ибтидоий одамлар макон топган замин сифатида таърифланади. Бойсун тоғ тизмалари бағрида ўрта плеоцен даврига мансуб манзиллар қолдиқларининг топилгани фикримиз исботидир. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ўша топилмалар бундан қарийб бир миллион йил аввалги даврга тўғри келади.



ган учта такурсининг топиллиши алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг ҳар бири камида 400-500 килограмм келади. Қазилма пайтида топилган улкан тошлар эса 2400 йил аввал тайёрланган бўлиб, чамаси 60-70 километр олинсдаги Бойсун тоғидан олиб келинган. Энг муҳими, бу каби мейморий ёдгорликлар Рим ва Греция архитектурасига мансуб бўлиб, улар дунёнинг кўп мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёдаги қадимий ҳашаматли биноларда кўп учрайди.

— Юртингизда топилаётган ҳар бир ёдгорлик бебаҳо, — дейди япониялик археолог Неки Томохиро. — Яқинда Қорабоғтепадан топилган қаср деворининг ўзи бир мўъжиза. Ҳар бирининг эни бир метр келадиган пахсалар моҳирона қурилган. Аслини йўқотмаган бу топилма минг йилликлардан гувоҳлик беради.

Қорабоғтепада олиб борилмаётган қазилма ишлари натижасида Қушон тарихига оид яна бир қатор осори атиқалар топилди, Деновнинг 2-3 минг йиллик тарихга эга экани асослаб берилди. Чунки гоёт муҳим аҳамиятга эга бўлган қадимги савдо йўллари билан мамлакатни Ҳиндистон шимоли билан боғлайдиган бўлган Сурхондарё худудидан ўтган. Айни пайтда у Буюк ипак йўли тармоғи сифатида кўхна воҳанинг ҳар жиҳатдан юксалишига катта ҳисса қўшганидан дарак беради.

Жаҳон тамаддунида ўз ўрнига эга бўлган қадимий ва навқирон худуд ана шундай бебаҳо бойликларга эга. Холчаёнда ҳали ўрганилмаган, биз билмаган қанчадан-қанча сир-синоатлар, тилсим янглиғ жажлар яшарин. Шу боис илмий-текшириш, экспедиция ишлари бугун ҳам давом этмоқда.

Жамшидбек НАМОЗОВ

Вилоятда бундан ташқари яна юзлаб бебаҳо манзиллар учрайдики, улар ҳамон дунё олимларининг назарида турибди. Ана шундай тарихий манзилгоҳлардан бири Денов туманидаги Холчаён топилидигидир. Воҳа тарихининг қадимий даврларини ўзда акс эттирган ушбу жой 1960 йили археологлар томонидан аниқланиб, қазилма-тадқиқот ишлари олиб борилган эди. Тадқиқотлар ўзбек давлатчилигининг бой тарихий манбаларини тақдим этди.

— Деновлик кексаларнинг айтишича, "Холчаён" сўзи "чаён" ёки "чаёндек захар тилли хола" деган маънони англатармиш, — дейди филология фанлари номзоди Тоштемир Турдиев. — Лекин бу шу сўзга талаффузи яқинроқ қандайдир бир сўзнинг бузилиб айтилган шакли бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Холчаёнтепа манзилгоҳи Қорабоғ, Маслаҳат, Тўғанок, Сичқон, Шайит, Кўйқирилган, Хонақоҳ тепалиқларини ўз ичига олади. Шу би-



лан бирга, бу ердаги асосий топилдиқлардан яна бири Қорабоғтепа саналади. Қорабоғтепада Санъатшунослик илмий тадқиқот институти ва Япониянинг Сока университети олимлари ҳамкорлигида бир неча йиллардан бери илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

— Хонақоҳтепада ишлаб юриб, Қорабоғтепа тарихини ҳам озорқ ўргандик, — дейди ўзбек-япон илмий тадқиқот экспедицияси раҳбари, археолог олим Баҳодир Турғунов. — Яқинда бу ерда ишни давом эттириб катта архитектура мажмуасига дуч келдик. Эътиборли жиҳати шундаки, у жуда мустаҳкам, ҳар томони бир метрдан келадиган паҳса девордан тикланган экан. Умумий чуқурлиги етти ярим метргача боради. Биз икки жойда тўрт метргача қазилма ишларини олиб бордик. Пол қисми ҳам жуда усталик билан яшланган, яъни оҳақка цементга ўшшган қотирувчи модда қўшилган.

Қорабоғтепадан тошдан йўниб ишланган, устунлар тагига ўрнатил-



Яқинда жияним пойтахтга ўқишга ҳужжат топшириш учун келди. Унинг билганини текшириб кўриш ниятида бир-иккита савол бердим. У аввалига менга тикилганча ўйланиб қолди. "Тилимнинг учиди турибди, ҳозир... ҳозир..." деб каловлана бошлади. Кейин эса дабдурустдан: "Э, опа, яхшиси тест қилинг, топаман!", деди.

Чиндан ҳам у тест саволларининг аксариятига тўғри жавоб берди.

Бу воқеа мени анча ўйлан-тириб қўйди. Хўш, бугунги ўқувчи қанча шеърни ёд биланди? Йўқ, саволни нотўғри қўйдим, чамаси. Ўзимизнинг хотирамизнинг кучи қандай? Ҳеч уни текшириб кўрганмизмиз?

Маълумотларга кўра, одам мияси тахминан миллион жилд-ли китобга сиғадиган ахборот-

ни эслаб қолиш имкониятига эга экан. Замонамиз олимлари миямизда бўлаётган жараёнлар тўқсон миллион қалин жилдли китобни тўлдир-ради, деган хулосага келишган. Демак, тафаккурнинг сарҳадлари бепоян. Бир қарашда юқоридаги фикрлар ақл бовар қилмасдек туюлади. Аммо инкор ҳам этолмаймиш. Чунки бунинг учун миллатимиз тарихига назар солишнинг ўзи кифоя қилади. Буюк аждодларимиз-

Хотирангизнинг кучи қандай?

дан Фаробий 70 тилни билган, Имом Бухорий 100 минг саҳиҳ (ишончли) ва 200 минг файри-саҳиҳ (ишонсиз) ҳадисни ёддан айта олган. Соҳибқирон Амир Темур ўн минглаб жангчиларининг исмини бехато эслаб қолган. Алишер Навоий бир ўринда ўз манзуумаларидан ташқари эллик минг байт (ўттиз минг салафадан, йигирма минг замондошлардан) ёд олганини ёзади... Биз мана шундай буюк инсонларни воёга етказган халқнинг фарзандларимиз. Бун-

дан ҳар қанча фахрлансанк, кувонсанк арзийди. Ўз ўрнида уларга муносиб авлод бўлишимиз ҳам шарт эканини ёддан фаромуш қилмаслигимиз керак. Лекин, афсуски, глобаллашадиган жамиятдаги "оммавий маданият" ниқоби остидаги айрим унсурлар бугун бутун дунёда кўпчиликини, айниқса, ёшларни ялқовлик ва эринчокликка ўргатиб қўймоқда. Масалан, ҳозир кўплаб тадқиқотчилар Америка ва Европада ўқувчилар ҳисоблаш калькулятори билан кенг фойда-

ланишлари натижасида оддий арифметик амалларни бажаришга ҳам нуноқлашиб бораётгани ҳақида бонг уришапти. Бу бонгнинг садолари бизни ҳам гафлат уйқусидан сақлаши лозим. Назаримда, болалар богчасидан тартиб олий ўқув юртигача бўлган таълим масканларида ёдлаш усулларини кенгроқ жорий этиш ва бунга рағбатлантириб бориш жоиз. Маълумки, фанда хотиранинг табиий имкониятлари уч қисмга бўлиб ўрганилади. Бу-

лар — таассурот, қайтариш ва ассоциациялардир. Таассуротга кўриш ва эшитиш орқали эга бўлинади. Чунки кўздан мияга борадиган нервлар қулқол нервларига нисбатан 20 марта қалинроқ. Қадимда кўпчилик олимлар болалигиданоқ бутун бошли китобларни айнан қайтариш орқали ёд олишган. Ассоциация — ўхшашлик. Бирор фактни бошқа нарса билан қиёслаш орқали эслаб қолиш. Булардан педагогларимиз умумли фойдаланса, ҳар бир ҳақида ўзларининг психологик хулосалари орқали фанларга рағбат уйғота оلسа, бу фақат мамлакатимиз келажигига хизмат қилган бўларди. Биз ўзимиз ҳам уқаларимизга, сингилларимизга ва фарзандларимизга бу борада ўрнак бўлсак, нур устига аъло нур бўлади. Хусусан, кўпроқ шеър ёдласак, уларни ифодали ўқиб берсак, хориж тилларини ўргансак ва ўргатсак... Шундагина янаям кўпроқ ёшларимиз маънавий етук инсонлар бўлиб етишадилар.

Нилуфар ШАВКАТОВА

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ ОАЖ 1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини, классер ва буклетларда сотувда мавжуд. **ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!** Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48. Сайт: www.pochta.uz. E-mail: oao@post.uz

HURRIYAT MUSTAQIL GAZETA
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари Ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Индекс: яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528
9 772010 752002

Бош муҳаррир **Уктам МИРЗАЁРОВ**
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил: hurriyat@doda.uz
Таҳририятга келган хатларга 3-кунда жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: **Матқўб НАРЗИЕВ**
Топширилди вақти — 21 00
Топширилди — 23 40
® — тижорат белгиси.
Адади: 5948 Буюртма — Г-755 123 5

ОФИСГА БЕПУЛ ҚУНҒИРОҚ ҚИЛИНГ!

«Офис рақами» хизмати

«Офис рақами» хизмати барча корпоратив гурӯҳ учун битта шаҳар рақамини ўрнатиб, ушбу рақамга бепул қўнғироқлар қилиш имконини беради.

МТС бир қадам олдинда

Бағатил: 0390 м.б. тел.: 1398 571 189 09 09, 131 09 09, 103 09 09. www.mts.uz / www.mts.uz
Ўзбекистон Республикасида хизматлар ўздурбита компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган

Фахр КЕЛАЖАК ҚЎЛИМИЗДА

Футбол бўйича Мексикада ўтказилган 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси мазмулли ва ҳужумкор футбол намойиши этиб, маҳаллий мухлисларнинг ҳам олқишига сазовор бўлган «мамлакатни ҳеч бир нарса спортчилик машур қилолмайди» деган фикр нечоғли ҳаётий эканини яна бир қарра исботлади.

Ўсмирларимиз турнирда илк бор иштирок этишларига қарамай ярим финал оstonасига қадр етиб боришди ва ҳақли равишда жаҳоннинг кучли саккиз жамоаси сафидан жой эгаллашди. Ўз навбатида, бу ютуқ Юртбошимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланди. Эндигина 17 баҳорни қаршилаган футболчиларимиз «Spark» автомобилларининг соҳибига айландилар.

Муштақиллигимизнинг 20 йиллигига муносиб совға бўлиб, тарих зарварларига олтин ҳарфлар билан муҳрланган бу жаҳоншумул галаба ўсиб келадиган ёш авлодни юксак марраларни забт этишга чорлашига шубҳа йўқ. Чунки биз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби жасур ва мард инсонларнинг авлодларимиз.

Сардорбек ЙЎЛДОШЕВ,
ЎЗДЖТУ талабаси